

**Тошкент Давлат юридик университети ҳамда Нагоя университети
ўртасидаги талабалар алмашуви тўғрисидаги
Меморандум**

Тошкент Давлат юридик институти ва Нагоя университети ўртасидаги 2013 йилдаги ҳамкорлик ҳамда академик алмашув тўғрисидаги келишувни бажариш мақсадида, Томонлар қуйидаги шартлар асосида талабалар алмашувида келишишди:

1. Алмашинувчи талаба ўз юртидаги университетда қайд этилган бўлиши ҳамда ўқиш учун маблағлар шу университетда тўланиши шарт. Алмашинувчи талабалар қабул қилиб олувчи университетда ўқиш харажатларини (хужжатларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиши учун тўлов) тўлашга мажбур эмаслар.
2. Алмашинувчи талабалар сони бир йилда беш кишидан ошмаслиги шарт. Бир академик йил давомида таҳсил олувчи талаба бир семестрда ўқувчи икки талабага тенг. Алмашинувчи талабаларнинг аниқ сони томонлар ўртасида муҳокама қилинади.
3. Талаба алмашуви вақти 1 йилдан ошмаслиги керак. Алмашинув муддати тугагандан кейин талабалар ўз юртидаги Университетларга қайтишлари шарт. Бошқа ҳар турдаги алмашинув вақтини узайтириш икки томонлама тасдиқланган бўлиши шарт.
4. Қабул қилиб олувчи университетда ўқиш давомида талабаларга ҳеч қандай даражалар берилмайди. Қабул қилиб олувчи университетда олинган академик кредитлар (баллар) келажакда ўз юрти университетидеда ўрнатилган баҳолари ва рейтинг мезонлари асосида тан олинади.
5. Талаба алмашув номзодларини йўлловчи университет амалга оширади. Қабул қилиб олувчи Университет йўлловчи университет тавсия қилган талабаларни ўзининг талаба қабул қилиш стандартларига асосланган ҳолда, ушбу талабани қабул қилиб олиш ва бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Талабалар соғлом ҳамда алмашинув дастуридан фойда олишлари учун хорижий тил билимлари етарли даражада бўлиши шарт.
6. Алмашув талабалар қабул қилиб олувчи давлат қонунларида кафолатларган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Агарда ушбу меморандумда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, алмашинувчи талабалар қабул қилиб олувчи университетда қабул қилиб олинган бошқа ҳамма талабаларга жорий қилинган

ҳуқуқ ва имтиёزلардан эркин фойдаланиши мумкин.


7. Қабул қилиб олувчи Университет қабул қилиб олувчи мамлакат қонунчилиги ёки университет қоидаларини бузган алмашувчи талабаларга нисбатан талабалар сафидан чиқариш ёки бошқа тегишли чора кўриш ҳуқуқига эга.
8. Қабул қилувчи университет алмашув курс давомида молиявий қийинчилик чекаётган ҳамда ўқишида қониқарсиз натижаларни кўрсатаётган талабаларни ўз юртига қайтариб жўнатиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бундай ҳолда керакли харажатлар (учиш ва ташиш ҳамда алмашув талабаларни қабул қилиб олувчи давлатда қилинган харажатлар) талабаларнинг ўзлари томонидан қопланади.
9. Қабул қилувчи университет , талабаларга ўқиш ва яшаш учун ёрдам бериш мақсадида таништирув ишларни ташкиллаштиради ва маслаҳатлар беради. Ҳар иккала муассаса биринчи ёрдамчи сифатида махсус шахсни белгилашлари шарт.
10. Ҳужжатларни топшириш ва алмашиш дастури бўйича рўйхатдан ўтиш материаллари ва маълумотлари ҳар икки давлат университети олдиндан очик бўлиши ҳамда дастурда иштирок этадиган талабаларга қулай бўлиши учун хизмат қилиши лозим.
11. Ҳар икки университет алмашиш дастури бўйича иккинчи давлат талабаларининг академик ўзлаштириш ҳақидаги расмий маълумотномаларни қабул қилиш университетда ўқитилган фанлар, ўзлаштириш баҳоси ва олинган балларни кўрсатган ҳолда юбориш мажбуриятини оладилар.
12. Ҳар икки университет алмашиш дастури талабаларини яшаш жойи билан таъминланишга алоҳида эътибор бериши лозим (университет ётоқхонаси, хусусий турар жойлар, ижара уйлар ва оилаларда яшаш).
13. Ҳар икки университет томонларидан йўлланган алмашув талабалари тегишлисоғлиқ суғуртаси ва фуқаролик жавобгарлик суғуртасидан фойдаланишлари лозим. Нагоя университетидаги Тошкент Давлат юридик университети талабалари ҳар ой Япония миллий соғлиқни сақлаш суғуртаси (JNHI) тўловларини тўлаб боришлари ҳамда Нагоя Университетининг истеъмолчилар кўшма ассоциацияси таклифи бўйича фуқаровий жавобгарлик бўйича талабалар суғуртасига аъзо бўлишлари шарт. Бир вақтнинг ўзида Тошкент Давлат юридик университетида таълим олаётган Нагоя Университети талабаларига соғлиқ ва саёҳат, фуқаровий жавобгарлик суғуртасига аъзо бўлишлари тавсия қилинади.
13. Мазкур лойиҳада қатнашувчи талабалар турар жой, овқатланиш харажатлари,

тиббий суғурта, даволаниш харажатларинива бошқа шахсий харажатларнитўлаш мажбуриятиниоладилар.

14. Ўқув муассасаси маъмурияти талабаларни барча зарурий харажатлар (ўқишдан ташқари пайтидаги фаолиятлар, соғлиқни суғурта қилиш кабилар) ҳақида олдиндан хабардор қилади.
15. Мазкур Меморандумга фақат ўзаро талабалар алмашув лойиҳасида иштирок этувчи талабаларгина жалб қилинадилар. Бу лойиҳага талабаларнинг турмуш ўртоқлари ёки талабаларга боғлиқ бўлган бошқа шахслар жалб қилинмайди.
16. Ҳар икки томон маъмуриятларининг эътиборсизлиги ва ҳаракатсизлиги оқибатига келиб чиқадиган барча жавобгарликлар ва ҳуқуқий мажбуриятлар мазкур Меморандум доирасида ҳал қилинади.


Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Мазкур Меморандумга ўзгартиришлар киритиш ҳар икки ташкилот ўртасида олиб бориладиган музокаралар асосида амалга оширилади. Томонлардан бири олти ой олдин огоҳлантириш шарти билан ушбу Меморандумни бекор қилиши мумкин, бироқ бу ҳолат мазкур Меморандум кучда бўлган даврда қабул қилинган талабаларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Сана 25.12.2013
(имзо)



Канъязов Есемурат Султамуратович
Тошкент Давлат Юридик
Университети Ректори

Сана
(имзо) Dec, 25, 2013



Хамагучи Мичинари
Нагоя Университети
Президенти

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМДА
НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА
АКАДЕМИК АЛМАШУВЛАР ТЎҒРИСИДА**


БИТИМ

Таълим ва илмий изланишлар соҳасида академик алмашувлар ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Тошкент Давлат Юридик Университети (қуйида ТДЮУ) ҳамда Нагоя Университети(қуйида томонлар) қуйидаги Битимга келдилар:

1. Тарафларнинг мустақиллиги ва ўзаро манфаатлар тенглиги принципларини ҳурмат қилган ҳолда, манфаатлар умумийлиги нуқтаи назаридан, қуйидаги соҳалардаги ҳамкорликка келишилди:
 - 1) Талабалар алмашуви;
 - 2) Профессорлар ва илмий тадқиқотчилар алмашуви;
 - 3) Илмий материаллар, чоп этилган нашрлар ва ахборот алмашуви;
 - 4) Ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар.
2. Кўрсатиб ўтилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида ўзаро фикр алмашувлардан кейин томонлар ўртасида батафсил чора-тадбирлар режаси битим тузилиши мумкин.
3. Ушбу келишув 5 йиллик муддат давомида амал қилиб, ушбу муддат ўтгандан сўнг, тарафлардан бирининг тугатишдан 6 ой аввал битимни тугатиш тўғрисидаги хабари бўлмаса, келишув амал қилишда давом этади.
4. «Тошкент Давлат Юридик Институти ҳамда Нагоя Университети ўртасида Ҳамкорлик ва Академик Алмашувлар тўғрисида»ги 2006 йил 6-июнда имзоланган Битим, ушбу Битим имзоланган пайтдан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Битим ўзбек, япон ва инглиз тилларида тузилган бўлиб, барча тилдаги матнлар бир хил кучга эга. Ушбу битим матнларини талқин қилиш жараёнида зиддиятлар вужудга келган тақдирда, ҳужжатнинг инглиз тилидаги матнидан фойдаланилади.


Ушбу битим 2013 йил 25 декабрда тузилди (Нагоя шаҳри).

Сана 25.12.2013
(имзо)



Каньязов Есемурат Султамуратович
Тошкент Давлат Юридик
Университети Ректори

Сана Dec. 25, 2013
(имзо)



Хамагучи Мичинари
Нагоя Университети
Президенти